

## ЖИСМОНИЙ КАМЧИЛИК БЎЛСА...

20:19 / 27.04.2016 4210

**САВОЛ:** Ҳаётда жисмоний камчиликларга эга бўлган кишилар кўп. Масалан кимнингдир қўли, кимнингдир эса икки оёғи йўқ. Бошқасининг кўзлари кўрмайди. Охиратда бундай кишиларнинг савол-жавоби қандай бўлади?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф қилмаган. Ҳар бир бандага имкони бор нарсани бажаришни таклиф қилади. Мисол учун, биров Аллоҳнинг иродаси билан соқов. «Нимага Қуръон ўқимадинг?» деб Аллоҳ таоло уни сўроқ қилмайди. Чунки соқовлиги учун ўқий олмаган. Кўзи ожиз одам ожизлиги туфайли баъзи ишларни қила олмайдиган бўлса, унга ҳам сўроқ-савол бўлмайди. Лекин уларга бу дунёнинг ўзида ҳам енгиллик берилади. Нуқсони туфайли Аллоҳнинг амрини қила олмаса, кучи етганича бажаради. Қолгани афв бўлади. Охиратда ҳам ҳисоб-китоб шунга қараб бўлади.

Шунинг учун шариатда жисмоний нуқсонлар эътиборга олинб, ибодатлар енгиллаштирилган. Ҳатто ёши ўтиб қолиши билан содир бўладиган ожизликлар ҳам эътиборга олинган. Масалан намоз ўқишдаги қиём, яъни тик туриш фарз амаллардан. Лекин кучи етмай қолган кишиларнинг ўтириб ўқишига, ўтириб ўқишга қурби етмаганларнинг ёнбошлаб ўқишига, унга ҳам имкони бўлмаганларнинг чалқанча ётиб ўқишига рухсат бор. Аллоҳ Одилдир. Унинг адолати мутлақдир. Иншааллоҳ, бирор кишига айбидан ташқари заррача азоб ҳам, савол-жавоб ҳам бўлмайди. Валлоҳу аълам.